

ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Касимова Мафират Сабировна,
ТДИУ профессори, и.ф.д.,
Джаббарова Шаира Гаффаровна, и.ф.н.
E-mail: jabborova_sh@rambler.ru

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилида иқтисодиётга алоқадор терминларнинг шаклланиши, қўлланилиши, рус тили, инглиз тилидан кириб келган терминларнинг таржумасиз ишлатилиши ва таржимага кам эътибор қаратилаётганлиги ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В этой статье рассматривается, формирования и использования экономической терминологии в узбекском языке, термины которые принитные с русского и английского языка без переводов и мало внимания на переводов.

Abstract: In this article reflected about the formation and using the economic terminology on the Uzbek language, using the terms with less attention to translating and without translation, which entered words from English and Russian languages.

Калим сўзлар: илмий-техник инқилоб, иқтисодий терминлар, ижтимоий ҳаёт, касб-ҳунар, мутахассислик, бозор, савдо-сотуқ, вексель, прејкурсант, кредит, товар, бухгалтер, банк, кассир, аванс, маклер.

Кириш

Иқтисодиёт тармоқларининг жаҳон миқёсида инновацион ривожланиши ва уларнинг ҳозирги глобаллашув ҳамда интеграция жараёнларини жадаллашуви шароитида исталган мамлакат ички иқтисодий ислохотларига бевосита таъсири мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлар, ишбилармонлар, иқтисодиёт соҳасидаги мутахассис кадрларни хорижий тиллар, инглиз ва рус тилларини мукамал билишни талаб этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарори инглиз тилини мукамал биладиган ва ушбу тилда эркин мулоқот қила оладиган мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган¹.

Хозирда иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳамда соҳа бўйича етишиб чиқаётган мутахассис кадрларнинг ҳаммалари ҳам жаҳон тиллари, жумладан инглиз ва рус тилларида эркин мулоқот қилиш имкониятларига эга бўлмоқдалар, бу эса фаолият давомида ушбу соҳага ривожланган мамлакатларда яратилаётган инновацияларни жорий қилиш, ўз соҳалари бўйича эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар билан яқиндан

¹ Халқ сўзи, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон

танишишга кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бу жаҳон тараққиёти билан бир кадам.

XIX аср бошланиш давридан ўзбек тили аста секин ўз ўрнини рус тилига бўшатиб бера бошлади. Барча ҳужжатлар рус тилида юритилиб, муомалага кираётган янги терминлар ўз холича қабул қилинди. Бундай ҳолат борган сари ўзбек илмий тилини заифлаштириб, кейинчалик иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларидан ўзбек тилидаги терминларни батамом муомаладан чиқиб кетишига олиб келди. Бугунги кунда кўплаб фанлар қатори иқтисодиётда ҳам ўзбек тилидаги терминларни бойитиш талаб этилмоқда. Шу боис, барча жаҳон тиллари қатори, ўзбек тилидаги терминларни, атамаларни жонлантириш, юқоридаги ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилиш, лозим. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг етакчи йўналишлари: бухгалтерия-молия, эконометрия, менежмент, маркетинг, логистика ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишлари бўйича қулай ва аввалги изоҳли луғатлардан фарқи, эски ўзбек тилида мавжуд бўлган терминларни муомалага киритиш, ўзбек тили асосчилари бўлмиш Алишер Навоий, Махмуд Қашғарий ва х.к.лар асарларидан иқтисодиётга оид атамалар синонимларга бойлигини инобатга олиб, терминларни жонлантириш ҳисобига Ўзбекистонда иқтисодиёт илм-фанини ривожига хизмат қиладиган, ҳар бир иқтисодчининг жавонидан махсус ўрин эгаллайдиган изоҳли луғат ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник туб ўзгаришлар даврида ноёб тушунчалар юзага келмоқда. Яъни, юқори савиядаги илмий-техник инқилоб даврида ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг барча соҳаларида янгидан-янги предметлар ва тушунчалар пайдо бўла бошлади. Жумладан, ўзбек тилидаги иқтисодий луғатларда ҳам янги атамалар (терминлар) пайдо бўлмоқда. Қайд этиш лозимки, инглиз, рус тилларидан кириб келаётган иқтисодий терминларга кам эътибор қаратилганлиги сабабли мазкур терминологик тизим ўзининг тўлиқ ифодасини топа олгани йўқ.

Ҳозирги шароитда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида янгича фикр юритилмоқда. Жумладан, бундай ёндашув ижтимоий фанларни тўла қамраб олди, чунки унинг оқибати жамиятда инсон ҳаётига, келажак тараққиётига, уни қамраб олган оламга тегишлидир. Шунинг учун ҳам кишилар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда биринчи ўринда ижтимоий алоқалар илгари сурилмоқда. Республикамизда ҳам бу соҳадаги ҳолат бутунлай ўзгарди. Ташқи иқтисодий алоқалар янада ривожланиб кетди. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларга кенг йўл очилди. Бу омиллар ўзбек тилида янги иқтисодий терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу боисдан фан ва техника тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий терминларни иқтисодий нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, янги иқтисодий терминларни шаклланиш манбаларини, умумтилда қўлланиш доирасини, мазкур тизимда рўй бераётган камчиликларни ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш каби қатор масалаларни ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари ҳозирги ўзбек тилида қўлланилиб келинаётган иқтисодий терминларни тўплаш ва системалаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Ҳақиқатдан ҳам сўнгги йилларда миқдоран ортиб бораётган янги иқтисодий

терминлар мазмунини тўлароқ ифодалашга хизмат қилса-да, уларни амалда қўллаш ва эса сақлаб қолиш анча ноқулайдир. Таъкидлаш жоизки, терминлар масаласи билан шуғулланган деярли барча олимлар уларнинг таърифини беришга уриниб кўришган. Чунки ҳар бир соҳа ва тармоқнинг термини борки, у ўша соҳа, тармоқ доирасида қўлланади, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, муайян касб-ҳунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар кўпинча у ёки бу соҳанинг ўзига хос терминлари билан иш кўради. Бу эса касб-ҳунар эгасининг нутқини шакллантиради, ўзаро нутқ маданияти ва муомала учун шарт-шароит яратади. Мисол учун, иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида маҳсулот айирбошлаш (товар обороти), майда мулкчилик, маблағ ажратиш, рента каби тор доирадагина қўлланиладиган терминлар ишлатилиши табиий бир ҳолдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу хилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб эгасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасининг қатор терминлари ҳам борки, улар муайян тил эгаларининг деярли барчаси нутқида тенг баробар ишлатилаверади. Масалан, бозор, мол, савдо, савдо-сотик, пул, ҳаридор, бозорчи, олиб-сотар кабилар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам айтиш керакки, тилда анъанавий тарзда қадимдан сақланиб келинаётган иқтисодий атамалар билан замонавий иқтисодий терминлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Қадимги иқтисод атамаларининг миқдори анча чекланган бўлса, ҳозирги янги давр, яъни бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт терминларига эҳтиёж ортиши муносабати билан иқтисодиёт соҳасига оид терминлар беқиёс бойиб бормоқда.

Иқтисодга оид терминлар инсон инсонлигини таниб, биринчи навбатда “иқтисод” тушунчасига дуч келган. Аниқроқ қилиб айтганда, турмушнинг эртасини ўйлаган ҳар бир киши биринчи галда ниманидир топишни ва уни ғамлашни, ундан қай йўсинда фойдаланишни, тежаб - тергашни ўйлаган ва шу асосда иш юритган. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётнинг асосини айтиш шу масалани ҳал қилиш ташкил этиши ҳаммага маълум. Шундай оддий бир ҳақиқатни олиб кўрайлик. Инсон биринчи навбатда, ўз турмушининг фаровон кечишини ўйлашдан кўра, тиниб-тинчимай меҳнат билан шуғулланади, келажакни, фарзандларининг пайдо бўлиши, уларни тарбиялаб уй-жойли қилиш ҳақида қайғуради, ниҳоят, ўзининг меҳнат натижаларини бозор-ўчар билан боғлайди ва ҳ.к. Мана шу аснода кишилар онгида “иқтисод”, “иқтисодиёт” каби тушунчалар шакллана бошлаган эдики, буларнинг барчаси ҳозирги кунда фан сифатида таркиб топган “иқтисодиёт”нинг дастлабки куртаклари эди.

Аста-секин жамият тараққий эта бошлаган сари, бошқа соҳаларда бўлгани каби, иқтисодиётда ҳам янгидан-янги қонуниятлар кашф этила бошлади. Иқтисодиётни ўргана бошлашга йўл очилди, пировардида, ҳозирги даврда ҳаётимизнинг асосини ташкил этган том маънодаги иқтисодиёт рўёбга чиқди. Бундай омиллар иқтисодиётнинг ўзига хос терминологик тизимининг қарор топишига сабаб бўлди. Демак, иқтисодиёт терминологияси ҳозирги ҳолатига етиб келгунга қадар бир неча босқичларни босиб ўтган. Иқтисодиёт терминологияси бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи учта тарихий босқични бошидан кечирган. Улар куйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг бошларигача бўлган даври.

2. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг 20-90 йиллардаги тараққиёти.

3. Иқтисодиёт терминологиясининг истиқлолдан кейинги даврдаги тараққиёти².

Қайд этиш керакки, иқтисодиёт терминларининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тарихий ёзма ёдгорликларга мурожаат этишга тўғри келади. Шу нуқтаи назардан туркийлар луғатчилигининг асосчиси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари, инкилобгача яратилган бир қанча луғатлар, ўзбек адабиёти вакиллари, хусусан Алишер Навоий, 3. М. Бобур ва бошқаларнинг бадиий, илмий-бадиий асарлари ўзбек иқтисодий терминларининг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар деб ҳисобланади.

Ўзбек тилида ҳозирда ҳам кенг ишлатиб келинаётган қатор иқтисодий терминлар қайд этилган яна бир муҳим манбалар Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Огаҳий асарларида ўз ва кўчма маъноларида қўлланилган юзлаб иқтисодий терминлар ўз ифодасини топган. Ўрганилган манбалар шуни кўрсатадики, ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг XX аср бошларигача бўлган шаклланиш ва ривожланиш босқичида муайян бир тизим ҳолатига келган, лекин, бирор аниқ тартибга туширилган терминология бўлмасада, оғзаки нутқида ёки ёзма манбаларда қўлланилиб келинган. Бундай терминлардан айримлари ҳозиргача қўлланилаётганлиги тожиклар, араблар, форслар, ўзбек ҳамда бошқа туркий халқларнинг иқтисодий-маданий алоқалари воситасида оғзаки ҳамда ёзма тилнинг узоқ ва мураккаб ривожланиш маҳсулидир.

Асримизнинг 30-40-йиллари ва 50-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек иқтисодиёт терминологияси, асосан, рус тилидан таржима қилинган иқтисод дарсликлари ва қўлланмалар асосида таркиб топа бошлади. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан эса иқтисодиёт терминологияси ривожланишида янги давр бошланди. Бу давр иқтисод фани билимдонларининг иқтисод фанини тартибга солиш борасидаги ишларини кучайтирди. Албатта, бу ривожланиш жараёнининг ўзига хос сабаблари бор.

Хусусан, иқтисод соҳасида она тили базасида мустақил равишда дарслик, қўлланма ва луғатлар ярата оладиган, соҳа терминларини тартибга солиш билан шуғуллана оладиган маҳаллий кадрларни етиштириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бундай чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда иқтисод фани ва иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш, иқтисод фанини ўқитиш сифатини ошириш имконияти яратилди. Натижада иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртлари учун таржима дарсликлари билан бир қаторда ўз (ўзбек) муаллифлари мустақил равишда яратган иқтисод дарсликлари, қўлланмалари ҳамда бир қатор терминологик луғатлар юзага келди³.

² Хусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001. 24 б.

³ Рўзиев Ф. Мустақилликнинг иқтисодий асослари. Т. 199, Ниёзов Н.Х. Иқтисодиёт ва бозор. -Т., 1992, Тўхлиев Н, Ўлмасов А. –Ишбилармонлар луғати, Т., 1993, Тўхлиев Н. –Ўзбекистон иқтисодиёти, - Т., 1994, Қодиров А., Турғунов У., Турсунов А. – Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Нукус, 1993. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М., Иқтисодиёт назарияси, Т., 1995. Солиев А., Хўжаханов Х., - Ноишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳалари иқтисоди ва аудит, Ўқув қўлланма, Т., 1999. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, Т., 2001.

Бу дарслик ва луғатлар ўзбек иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш ҳамда унинг янада ихчамлашуви учун катта замин бўлиб хизмат қилди. 90-йиллар бозор иқтисодиёти ва шу муносабат билан ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг муайян тараққиёт ва такомиллашуви босқичи бўлиб қолди.

Ҳозирги давр ўзбек иқтисодиёти терминологияси муайян тараққиёт ва такомиллашув йўлини босиб ўтаётган бўлишига қарамай, унда ҳамон ҳал қилинмаган қатор муаммолар бор.

Терминологик тизимларнинг шаклланиши ва қарор топиши соҳасидаги кузатишлардан маълум бўлдики, ўзбек иқтисодиёт терминологияси ҳам, асосан, икки манба: ўзбек тилининг ички имкониятлари ва хорижий тиллар унсурлари (сўз ва сўз бирикмалари) асосида ривожланиб ва бойиб бормоқда. Бу манбанинг биринчиси асли ўзбекча (баъзилари умумтуркий) туб лексик қатлам, ўзбек тилида қадимда истеъмолда бўлган ёки иқтисод соҳасида янги тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилган луғавий бирликлар ҳамда улар асосида она тилининг сўз ясовчи воситалари билан янгидан ҳосил қилинган терминлар ҳисобланади. Иккинчиси, ўзга тиллар, аниқроғи, форс-тожик араб ва рус тилидан ўзлаштирилган терминлар.

Иқтисодиёт терминологиясини, умуман бошқа соҳа терминларини ҳам бойитишда она тили фани имкониятларидан фойдаланиш ҳақида гап кетганда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур бўлади:

Муайян бир тилда, шунингдек, ўзбек тилида ҳам иқтисодга оид тушунчаларни аниқ ифодаловчи қатор сўзлар қадим-қадимдан қўлланилиб келинган. Ўзбек адабий тил бойлигининг бир қисми сифатида, бундай сўзлар кейинроқ, конкрет терминологик тизим вужудга кела бошлаши билан иқтисод фанининг махсус тушунчаларини ифодалаш учун жалб қилина бошланган. Масалан, битим, пай, гаров, даллол, пул, сўм, суғурта, савдо, омонат ва бошқалар.

Иқтисодиёт билан алоқаси бўлмаган, бошқа-бошқа соҳаларда қўлланиладиган терминлар ҳам иқтисодий терминлар сифатида ишлатилади. Ҳозирги ўзбек тили луғат таркибида, унинг иқтисодий терминлар тизимида умумтуркий, ўзбек терминлари билан бир қаторда форс-тожикча, арабча, шунингдек, русча-байналмилал сўзлар ҳам қўлланилиб келмоқда. Масалан, сармоя, савдогар, тожир, саркор, даромад, дастмоя, каби форс-тожикча сўзлар асосий иқтисодий терминлар бўлиб қўлланилмоқда.

Ўзбек тили иқтисодиётга оид терминлари русча-байналмилал терминлар яъни, рус тили лексикаси империя даврида маҳаллий тилларга, хусусан, ўзбек тилига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, вексель, прејкурсант, кредит, товар, бухгалтер, банк, кассир, аванс, маклер ва бошқалар.

Иқтисодиёт терминологияси, бошқа терминологик тизимлар каби, икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади⁴. Ўзбек тилида нашр этилган иқтисодга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, терминологик ҳамда изоҳли луғатлар ва бошқа манбалардан тўпланган мисолларни таҳлил қилиб чиқиб, ўзбек тили лексикасининг қатор қатламларидан

⁴ Хусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001.

олинган лексик бирликлар иқтисодий терминларга айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда мазкур сўзларнинг маъноси ўзгарган ёки кўчма маънода қўлланган. Масалан: йиғма курсаткич, амалий бойлик, қарз ўсими, кредитнинг эластиклиги, ундирилган пул, унумсиз меҳнат, пул муомаласи, капитал сиғими, ўрмаловчи инфляция, шиддатли инфляция, ўринбосар товарлар, кўланкали иқтисод, пул массаси, бозор мувозанати, хуфёна бозор, молиявий механизм ва бошқалар. Бирок, иқтисодиёт фани бўйича ўзбек тилида нашр этилган манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида иқтисодиёт терминологиясида ҳам, бошқа соҳалар терминологик тизимларида бўлгани каби, қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд эканлиги аён бўлди. Айни шундай ҳолат иқтисодий терминларни тартибга солиш масалалари билан алоҳида шуғулланиш вазифасини келтириб чиқаради.

Терминларни тартибга солиш амалиётида у ёки бу луғавий бирликни термин қаторига киритишда одатда қуйидаги талаблардан келиб чиқилади: у муайян тизим таркибига кириши ва шу тизим доирасида ягона маъно билдириши, тартибга тушиш белгиларига эга бўлиши, синоним (дублет)ларга эга эмаслиги, қисқа, эслаш ва талаффузи қулайлиги каби талабларга жавоб бериши лозим⁵. Албатта, барча терминлар мазкур талабларга жавоб берганда, терминологияни тартибга солиш деган гап ҳам кўндаланг бўлмас эди. Юқорида айтганимиздек, иқтисодиёт терминологияси қатор нуқсонларга эга: луғавий ва грамматик синонимиянинг кенг тарқалганлиги, терминлар имлосидаги ҳар хиллик кабилар ана шундай нуқсонлардандир.А

Маълумки, мактаб ва олий ўқув юртларида иқтисод фанини ўқитиш, ўрганиш ишлари XX асрнинг 20-йилларидангина бошланди⁶. Албатта, бунда ўзбек тилида ишлаб чиқилган, бир тизимга солинган иқтисодиёт терминологиянинг бўлишига эҳтиёж сезилган эди. Натижада, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларда рус тилида нашр этилган иқтисодга оид дарслик ва қўлланмалар ўзбек тилига таржима қилина бошланди⁷.

Муҳими шундаки, таржимонлар ўша вақтлардаёқ бу жараённи имкон борича ўзбек тилида мавжуд бўлган иқтисодий тушунчаларни аниқ ифода этилган умумистеъмолдаги сўзлардан фойдаланганлар. Шу билан бирга, шароит тақозоси билан форс-тожикча, арабча ҳамда русча-байналмилал терминларни таржимасиз олишга интилиш бўлган. Айни шундай ҳолат иқтисодиёт оламида ҳам кўплаб синонимик терминлар қаторларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Маълумки, рус тили XX асрнинг 60-70 йили мобайнида собик иттифоқдаги миллий тиллар замонавий терминологик тизимларининг шаклланишида ўзининг каттагина таъсирини кўрсатиб келган.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисод фани аниқ ва тартибли тушунчаларнинг ифода воситаси-терминларнинг ҳам шу тарзда аниқ ва тартибли бўлишини талаб қилади. Лекин амалда иқтисодий терминларни қўллашда муайян чалкашликларнинг борлиги кузатилади. Иқтисодиёт терминологиясида синонимия, терминларни тўғри ёзиш

⁵ Даилчко В.П. Русская терминология, М., 1996, с.74.

⁶Хусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001. 16 б.

сингари бир қатор ҳал қилинмаган масалалар шулар жумласидандир. Уларни ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин яъни иқтисодиёт тармоқлари соҳаларидан келиб чиққан ҳолда: банк иши; солик ва соликка тортиш; молия; макроиқтисодиёт; жаҳон иқтисодиёти, меҳнат иқтисодиёти; минтақавий иқтисодиёт, маркетинг, менежмент.

Умуман иқтисодий сўз ва терминлар узоқ даврлар мобайнида яратилган. Маълумки ҳар қандай жамиятда иқтисодиёт муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли иқтисодиётга тегишли сўз ва терминлар аниқ ва мантиқан асосланган бўлмоғи лозим. Русча байналмилал иқтисодий терминлар ўзбек тилида айнан таржимасиз қўлланилмоқда: валюта, доллар, кредит, банкнот, аккредитив, лизинг, форфетинг, либор ва бошқалар. Русча байналмилал иқтисодий терминларнинг баъзилари таржима қилинган ёки унинг ўзбек тилидаги муқобиллари қўлланила бошланди: анкета-суровнома, дефицит-тақчил, бизнесмен-бизнесчи, лицензия-рухсатнома, капитал-маблағ, реформа – ислохот.

Умуман байналмилал иқтисодий сўзларни ўзбек тилига қабул қилишда кўп жиҳатларни эътиборга олиш зарур. Иқтисодий термин ўзбек тилига кириб келаётганда унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор бериш керак бўлади: терминнинг ўзбек тилини товуш тизимига мослигига; унинг ўзбекча муқобили бор-йўқлигига; таржима қилиш заруриятига; иқтисодий терминнинг мазмунига; унинг содда ва раволигига; моҳиятига ва талафуз қилишга қулайлигига.

Ўрганилган манбаларга асосланиб ўзбек тилидаги иқтисодий терминларни бойитишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ўзбек тилида иқтисодий терминларни ўрганиш ва жамлаш;
- иқтисодий терминларни ўрганган олимларимизни ишларини ўрганиб чиққан ҳолда иқтисодий терминларни изоҳларини тўла қонли ёритишга ҳаракат қилиш;
- замонавий терминларни ўрганиб тадбиқ қилиш;
- имкон қадар иқтисодий терминларни иқтисодиёт тармоқлари соҳалари бўйича ёки бўлимларга ажратган ҳолда луғат китобларни нашр қилиш;
- иқтисодиёт соҳаларига ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида иқтисодий терминларни ўрганиш бўйича маҳсус фанларни ўқитишни жориш қилиш;
- иқтисодиёт назарияси фанлари ўқитиладиган факултетларда эса белгиланган соатларда мавзуларни иқтисодий терминларига мослаш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янги-янги терминларнинг кириб келиши иқтисодиёт терминологиясининг бойиб боришига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарори //Халқ сўзи, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон
2. Абдуллаев. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, “Меҳнат”, 1997.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Т.:

Фан, 1992.

4. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Т.: 2000.
5. Хўжаев А., Нурмонов А., Зайнобитдинов С. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларнинг изоҳли луғати. -Т.: “Сард”, 2001.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: 2002.
7. Хусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001.
8. Шарифхўжаев М., Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995.
9. Ўзбек тилининг имло луғати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
10. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Т.: 2000.
11. Хўжаев А., Нурмонов А., Зайнобитдинов С. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: “Сард”, 2001.
12. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: 2002.
13. Хусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001.